



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

ИЧКИ ИШЛАР ВА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ  
ХОДИМЛАРИ УЧУН

**ЭСЛАТМА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

**ИЧКИ ИШЛАР ВА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ  
ХОДИМЛАРИ УЧУН  
ЭСЛАТМА**

**«Адолат»  
миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2021**

**УЎК: 351.743(083.132)**  
**КБК: 67.401.213**  
**И 94**

**Ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари учун  
эслатма.** – Т: «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази,  
2021 й. – 24 б.

ISBN 978-9943-7295-2-0

**УЎК: 351.743(083.132)**  
**КБК: 67.401.213**

Маъжур Эслатма ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари учун мўлжалланган бўлиб, унда сайловга оид умумий тушунчалар, сайлов комиссиялари тизими, ички ишлар ва Миллий гвардия ходимларининг сайлов давридаги вазифалари, мажбуриятлари ва сайлов жараёнидаги ҳуқуқбузарликларининг жавобгарлиги каби масалалар ўрни олган.

Эслатма ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари, сайлов ташкилотчилари ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

ISBN 978-9943-7295-2-0

© Ўзбекистон Республикаси Марказий  
сайлов комиссияси

© «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот  
маркази, 2021 й.

## **I. САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИГА ОИД УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР**

### **2021 ЙИЛ 24 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ**

**Сайлов** – фуқароларга жамият ва давлат ишларида бевосита иштирок этиш имконини берувчи, давлат ҳокимиятининг сайлаш орқали шаклланувчи органларига тақдим этилган номзодлардан бирини овоз бериш йўли билан танлаб олишга қаратилган демократик жараён.

**Сайлов жараёни иштирокчилари** – сайловчи, оммавий ахборот воситалари вакиллари, маҳаллий ва хорижий (халқаро) кузатувчилар, сайлов комиссияси аъзолари (раис, раис ўринбосари, котиб ва бошқа аъзолар), Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, ишончли вакиллар, сиёсий партиялар ва уларнинг ваколатли вакиллари.

**Сайловларнинг асосий принциплари** – умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш.

**Сайловчи** – сайлов куни 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, irqий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар сайлаш ҳуқуқига эгадир. Сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади. Сайловда сайловчилар ўзлари хоҳлаган номзодга, яъни эркин овоз берадилар. Сайловчиларнинг овоз бериши яширин тарзда амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод** – ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган, Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб

сайланиш учун сиёсий партия томонидан кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

**Кузатувчи** — сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида иштирок этиш ҳуқуқига эга, тегишли сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган ва бу ҳақда тегишли мандатга эга бўлган шахс.

**Ишончли вакил** — номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берувчи, унинг сайланиши учун ташвиқот олиб борувчи, шунингдек давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатларини ифодаловчи шахс.

**Оммавий ахборот воситалари вакиллари** — сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, тегишли сайлов комиссиялари томонидан аккредитациядан ўтказилган ва бу ҳақда тегишли мандатга эга бўлган оммавий ахборот воситалари ходимлари.



## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТИЗИМИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари

**Округ сайлов комиссияси** — Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг саккиз — ўн саккиз нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

**Участка сайлов комиссияси** — участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида беш — ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади.





**Муддатидан олдин овоз бериш** — сайловга 10 кун қолганида бошланади, сайловга 3 кун қолганида тугалланади.

Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарор қуйи сайлов комиссиялари, шунингдек барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг раҳбарлари **ижро этиши учун мажбурийдир**.

Округ ва участка сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари чиқарилганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

## II. ИЧКИ ИШЛАР ВА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Сайлов жараёнида жамоат хавфсизлигини таъминлаш халқаро ҳуқуқнинг қуйидаги умум эътироф этилган принципларига асосланади:

-  **демократик сайловлар учун қулай шароитлар** – хавфсиз сайлов муҳитини яратиш ҳамда сайлов жараёни қонунийлигига шубҳа турдирмаган ҳолда сайлов жараёни иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмасдан сайлов куни хавфсизликни таъминлаш;
-  **бетарафлик ва аралашмаслик** – ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари сиёсий фаолият билан шуғулланмаслиги, партия ёхуд номзод тарафдори бўлмаслиги керак;
-  **бир хил муносабатда бўлиш ва дискриминацияга йўл қўймаслик** – ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари сайлов жараёни давомида унинг барча иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бир хилда ҳимоя қилинишини кафолатлаши ва тенг шароитларни таъминлаши шарт;
-  **қонун устуворлиги ва пропорционаллик** – ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари миллий қонунчилик ва халқаро нормаларга таянган ҳолдагина жамоат хавфсизлигини таъминлайди. Ҳар қандай аралашув республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши лозим. Сайлов жараёнида ҳар қандай чеклашлар қонун ҳужжатларига асосланган бўлиши шарт;



**шаффофлик** – манфаатдор шахслар жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг роли ва бу борадаги ишлар ҳолати тўғрисидаги ахборот билан танишиш имкониятига эгадир;



**ҳисобдорлик** – жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этаётган ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгардир. Ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари қай даражада фаолият олиб бораётганлиги тўғрисида жамоатчиликка ахборот берилади;



**жамоатчилик ишончи** – ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши, ҳурмат қилиши, сайловга оид қонун ҳужжатларига риоя қилиши, ҳар қандай кўринишдаги қонун бузилишларни бартараф этиш ва олдини олиш учун зудлик билан чоралар кўриши, шунингдек профессионаллик, ҳалоллик принципларига риоя қилиши шарт.







Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишини олдини олиш мақсадида сайлов жараёни кенг кўламли равишда қуйидагилар тавсия этилади:



ҳимоя ниқобларидан фойдаланиш;



қўл бериб саломлашиш ёки тўғридан-тўғри мулоқотга киришишнинг бошқа шаклларида сақланиш;



ижтимоий масофага риоя қилиш.

## ЁДДА ТУТИНГ!

Сайловда санитария қондаларига риоя этишингиз саломатлигингизни сақлашда муҳим ҳисобланади.

## ИЧКИ ИШЛАР ВА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ХОДИМЛАРИ ҚУЙИДАГИ ТАЛАБЛАРГА RIОЯ ҚИЛГАН ҲОЛДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

1. Жамоат тартибини сақлашда участка сайлов комиссиялари билан ҳамкорликни амалга оширади ва комиссия раисининг кўрсатмаси асосида фаолият олиб боради.

2. Сайлов бюллетенлари олинган кундан бошлаб бюллетенлар ҳамда бошқа ҳужжатлар сақланадиган бинонинг қўриқланишини таъминлайди.

3. Участка сайлов комиссияси раисининг кўрсатмасига асосан сайловга бир кун қолганида сайлов участкаси биноси хизмат ити билан кинолог томонидан текширилади.

4. Сайлов участкаси ёнида фавқулодда вазиятлар (ёнғин, оммавий тартибсизлик ва бошқалар) содир этилган тақдирда ходим ўзи кўриқлаётган жойни тарқ этмасдан, дарҳол раҳбарият ёки навбатчилик қисмига хабар беради.

5. Участка сайлов комиссияси аъзоларининг фаолиятига қаршилик кўрсатилганда ёки уларнинг соғлиғи, ҳаётига хавф туғилганида, уларни ҳимоя қилади. Бундан ташқари, жамоат тартиби учун масъул шахс сайлов куни сайлов участкаси биносида бўлган бошқа шахсларни ҳам ҳимоя қилади.

6. Ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари, биринчи навбатда инсонларнинг соғлиғи ва ҳаётини ҳимоя қилиши, зарурат туғилганида уларни эвакуация қилиши лозим.

7. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51<sup>б</sup>–51<sup>д</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиғи аниқланган ҳолларда ички ишлар ходими маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни расмийлаштиради.

## ЁДДА ТУТИНГ!

Участка сайлов комиссияси раиси жамоат тартибини сақлаш учун масъул ходимнинг қаерда жойлашишини белгилайди.

Сайлов участкаси биносида ёнғиндан сақлаш, алоқа воситалари учун масъул ходимларнинг телефон рўйхатлари бўлиши таъминланади.

## ИЧКИ ИШЛАР ВА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ХОДИМЛАРИ:

- ✓ сайлов участкаларига туташ ҳудудларда жамоат тартибини сақлаши;
- ✓ округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари кузатуви остида сайлов натижаларига доир ҳужжатларни ташишда кўмаклашиши;
- ✓ участка сайлов комиссиясининг кундалик иш фаолияти тугаганидан сўнг сайлов ўтказиладиган бинолар ва жойларни кўриклаши;
- ✓ фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, камтар ва босиқ бўлиши, уларнинг мавқеидан қатъи назар ҳеч бир шахс, гуруҳ ёки ташкилотнинг камситилиши ёки афзал кўрилиши ҳолатларига йўл қўймаслиги;
- ✓ фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкни, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида барча зарур чораларни кўриши;
- ✓ ходимнинг ўз хизмат бурчини виждонан бажаришига нисбатан фуқарода шубҳа уйғотувчи хатти-ҳаракатлардан тийилиши, шунингдек давлат органлари обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслиги шарт.

Участка сайлов комиссияси раиси (ёки раис ўринбосари) овоз бериш биносидаги тартибга риоя қилинишини назорат қилади. Участка сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида берган кўрсатмалари овоз бериш биносида ҳозир бўлган шахслар, шу жумладан, ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари учун мажбурийдир.

## ЁДДА ТУТИНГ!

Овоз бериш куни ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари сайлов участкаси ҳудудидан ташқарида жойлашади.

Ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари тезкор алоқа ўрнатиш учун уяли ва иш телефон рақамларини участка сайлов комиссияси раиси ва бошқа аъзосига тақдим этиши шарт.

Участка сайлов комиссияси раиси овоз бериш биносида тинчлик сақланиши ва тартибга риоя қилинишини таъминлаши, овоз бериш ва уларни санаб чиқишда қайриқонуний хатти-ҳаракат вужудга келганида ички ишлар ёки Миллий гвардия ходимларига мурожаат қилиши мумкин. Бунда, ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари зудлик билан воқеа жойига етиб келишлари лозим.

## ЁДДА ТУТИНГ!

Ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари томонидан сайлов участкаси ҳудудидаги тартибсизлик, қайриқонуний хатти-ҳаракатлар бартараф этилганидан сўнг участка сайлов комиссияси раиси кўрсатмаси асосида сайлов участкаси биносини тарқ этишлари ва сайлов жараёнига ҳалақит бермайдиган жойга жойлашишлари шарт.



## САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА ХОЗИР БЎЛГАН ИЧКИ ИШЛАР, МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ХОДИМЛАРИГА КЎЙИДАГИЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ:

- ✘ сайловчилар, қузатувчилар ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларига таъсир ўтказиш;
- ✘ сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;
- ✘ бирон-бир ташвиқот материални ёки адабиётини тарқатиш;
- ✘ сайловчилардан улар қандай овоз берганлигини сурштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;
- ✘ давлат ҳокимияти органи вакилининг вазифаси билан боғлиқ бўлмаган ҳолда номзод, участка сайлов комиссияси аъзолари ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини химоя қилишга қаратилган ҳаракатларга йўл қўйиш;
- ✘ сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, унинг мажлисларида ҳозир бўлишга, сайлов қутиларини муҳрлашга, уларни очишга, овозларни санаб чиқишга аралашиш.

### ЁДЛА ТУТИНГ!

Ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари сайловчиларга сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатмайди. Турли масалалар вужудга келганида, ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари сайловчини участка сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзосига юборади.

Ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари овоз бериш биносида хизмат ўташ вақтида унда жойлашган шахслар хавфсизлигини, сайлов ҳужжатлари ва сайлов участкаси биносининг қўриқланишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Овоз бериш биносида ҳозир бўлган шахснинг хавфсизлиги, соғлиги ва ҳаётига таҳдид пайдо бўлган тақдирда, ички ишлар ёки Миллий гвардия ходими зудлик билан ҳудудий ички ишлар ёки Миллий гвардия раҳбариятига ёхуд навбатчисига сайлов участкасида вужудга келган вазият тўғрисида ахборот беради ҳамда унинг кўрсатмалари бўйича ҳаракат қилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51<sup>2</sup>–51<sup>3</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланган ҳолларда, ички ишлар ходими маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни расмийлаштиради.

### **ЁДДА ТУТИНГ!**

- Овоз бериш биносида фуқарога мурожаат қилишда ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари: фамилияси, мансаби, унвонини айтишга ва мурожаат қилиш мақсади ва сабабларини маълум қилганидан сўнг фуқаронинг талабига мувофиқ хизмат гувоҳномасини кўрсатишга;
- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи таъсир чорасини қўллаш зарурати вужудга келса, таъсир чорасини қўллашнинг асослари ва сабабларини, шунингдек таъсир чорасини қўллаш билан боғлиқ фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришга мажбур.

### **ЁДДА ТУТИНГ!**

Ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари сайловчилар, сайлов комиссияси аъзолари, маҳаллий ва хорижий (халқаро) кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳушмуомала, дўстона муносабатда бўлиши, сайлов кунида намунавий иш муҳитини яратиши шарт.

Участка сайлов комиссияси аъзоларининг кўрсатмасига асосан ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари томонидан бегона шахсларнинг сайлов участкаси ҳудудини тарқ этиши тушунтирилади ва белгиланган тартибда таъминланади.

Сайловларни ўтказиш вақтида қуйидаги шахслар сайлов участкасида ҳозир бўлишлари мумкин:

- сайловчилар (овоз бериб бўлгач), бинони тарқ этади;
- сайлов комиссияси аъзолари;
- сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари;
- сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кузатувчилари;
- хорижий (халқаро) кузатувчилар;
- аккредитациядан ўтказилган сайлов жараёнларини ёритувчи оммавий ахборот воситалари вакиллари.

Сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари, хорижий (халқаро) ва маҳаллий кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари сайлов жараёни иштирокчиси сифатида ваколатли эканлигини тасдиқловчи мандатни ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни олиб юришлари лозим. Шунингдек, ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари ҳам хизмат гувоҳномаларини олиб юришлари шарт.

Ҳеч ким сайлов участкаси ҳудудига қурол олиб кириши мумкин эмас. Агар ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари участка сайлов комиссияси раиси томонидан таклиф этилган бўлса, истисно тариқасида ўзлари билан қурол олиб юришлари мумкин.



### **ЁДДА ТУТИНГ!**

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида сайлов участкаси худудида ҳозир бўлган ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари сайловчиларнинг яширин овоз бериш ҳуқуқи, ўз хохиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлигини бузмаслиги ва сайлов жараёни иштирокчиларининг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Сайловчиларнинг яширин овоз бериш ҳуқуқи, ўз хохиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлигини бузиш, сайлов жараёни иштирокчиларининг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига ғайриқонуний равишда путур етказиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.



### **III. САЙЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

Сайловга оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 8 та моддасида ўз ифодасини топган.

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралashiш (51<sup>2</sup>-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралashiш, худди шунингдек уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтириш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик (51<sup>2</sup>-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, худди шунингдек уларнинг муружаатларини кўриб чиқишни ғайрихуқуқий равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

*Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш (51<sup>а</sup>-модда)*

Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш (51<sup>б</sup>-модда)*

Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлгон маълумотларни тарқатиш (51<sup>в</sup>-модда)*

Сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлгон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*Сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш (51<sup>7</sup>-модда)*

Биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

*Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш (51<sup>8</sup>-модда)*

Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

*Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш (51<sup>9</sup>-модда)*

Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини, шунингдек сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

МЖТК 287-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ МЖТКнинг 51<sup>2</sup>, 51<sup>8</sup> ва 51<sup>9</sup>-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий йўл билан ушлаб турилиши мумкин.

Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарни ички ишлар органига ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига келтириш, маъмурий йўл билан ушлаб туриш эҳтиёжи юзага келган тақдирда сайлов комиссиялари аъзолари ички ишлар органлари ходимларига мурожаат қилишлари мумкин.

МЖТКнинг 282-моддаси талабларидан келиб чиқиб, баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга МЖТКнинг 51<sup>2</sup>–51<sup>8</sup>-моддаларинда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай жиноят ишлари бўйича тегишли туман, шаҳар судига юборилади.



#### **IV. САЙЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК**

Сайловга оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиной жавобгарлик юридик жавобгарликнинг алоҳида тури ҳисобланади.

Сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш учун жиной жавобгарлик Жиноят кодексининг 146 ва 147-моддаларида белгилаб қўйилган.

*Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш (146-модда)*

Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш (147-модда)*

Фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли

вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига, шунингдек фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, кўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш —

*тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

## Қайдлар учун

**Кайдлар учун**



# ИЧКИ ИШЛАР ВА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ХОДИМЛАРИ УЧУН ЭСЛАТМА

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси  
Раиси Э. Низамходжаев тахрири остида.*

Тахрир хайъати: *К. Қуранбаев, А. Туляганов,  
Ж. Абдуллаев, Б. Юнусов.*

Тузувчилар: *Б. Кучкаров, Х. Маматов,  
Ф. Насриддинов, Х. Кличев,  
Т. Зикиров, Х. Палуаниязов*

Нашр учун  
масъуллар: *Ф. Тожиев,  
О. Файзуллаев*

Мухаррир: *Ш. Абдуллаев*

Компьютерда  
сахифаловчи: *Ж. Фофуров*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лис. А1 № 032, 29.10.2019 й.

Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй.

Телефонлар: 71-233-28-18, 71-280-55-47

Веб-сайт: [www.adolatmarkazi.uz](http://www.adolatmarkazi.uz)

e-mail: [info@adolatmarkazi.uz](mailto:info@adolatmarkazi.uz)

Босишга рухсат этилди 20.09.2021 й.

Қороз бичими 60x84<sup>1/4</sup> «Antiqua» гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 1,5.

Нашриёт ҳисоб табоғи 1,25. Адади 22 300 нуска.

21-378-бунортма. Нархи шартнома яебсида.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖда чоп этилди.  
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

-  [www.saylov.uz](http://www.saylov.uz)
-  [www.saylov2021.uz](http://www.saylov2021.uz)
-  [t.me/electionsuz](https://t.me/electionsuz)
-  [fb.com/uzelections](https://fb.com/uzelections)
-  [twitter.com/electionsuz](https://twitter.com/electionsuz)
-  [instagram.com/electionsuz](https://instagram.com/electionsuz)

ISBN 978-9943-7295-2-0

